

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

02/ 184-сонли ШАРТНОМА

Фарғона шаҳар

2022 йил 26 01

“Фарғона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар А. Абдуганисев бир томондан ва “Истеъмолчи” деб юритилувчи КУВАСОЙ ШАХАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Ж. Полванов томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПК – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПК – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁГШларида) “Истеъмолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм миқдорда хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи”га ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоб-варақа (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳисоб-варақа (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташини, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома”га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулотига “табiiий йўқотини” қўллайди (табiiий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томондан қоплаб берилмайди).

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминийт умумий суммаси 10490760 сўмни ташкил қилади.

2.2. "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. "Истеъмолчи" мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар "Таъминотчи"нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефть маҳсулотлари "Таъминотчи"нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан "Истеъмолчи"нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари "Истеъмолчи"га унинг сўровига асосан "Таъминотчи"нинг маҳсуе автотранспортда белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини, шунингдек "Истеъмолчи" томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсуе транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташин ҳаражатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Аке ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда "Таъминотчи"га жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар ("Истеъмолчи"нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) "Истеъмолчи"нинг талабига биноан "Таъминотчи"нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги метёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари микдор бўйича қабул қилиш "Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини микдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида"ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса "Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида"ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа метёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. "Истеъмолчи"нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар "Таъминотчи"нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда расмийлаштирилади ва уларни "Истеъмолчи" томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзалайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳукуки тасодифий нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи "Таъминотчи" омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб "Истеъмолчи"га ўтади.

5. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни қафолатлайди. Сотилаётган нефть маҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефть маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига онд расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда "Истеъмолчи" уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексини ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга биноан жавобгар бўладилар.

6.2. "Таъминотчи" нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. "Таъминотчи" нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан теклаб бериш билан бир қаторда "Истеъмолчи"га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

6.4. "Истеъмолчи" белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун "Таъминотчи"га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. "Истеъмолчи"ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.6. "Истеъмолчи"етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишига юзга келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусxada тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“ТАЪМИНОТЧИ”

“Фаргона нефт базаси” МЧЖ

Манзили: Фаргона шаҳар
Тегирмон кўчаси 141-уй.
СҚБ Яшнобод филиали
х/р: 22604000800215485702
МФО: 00432
ИНН: 201104250

Раҳбар:  Абдулганнев
М.У



“ИСТЕЪМОЛЧИ”

КУВАСОЙ ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШКАРМАСИ

Буёқдор кўчаси 2-уй
ш.р: 80002256030408906510011000

х/р: *25402000300100001010*

СТН: *200123084*

МФО:

Раҳбар:  Ж.Полванов
М.У



ХУКУҚИЙ АУТОН

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:

Н.Ахунташев

2022 йил "" 26.01 № 02/184-сонли шартномага 1 илова

“БУЮРТМАЧИ”

КУВАСОЙ ШАХАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ

“Фаргона нефт базаси” МЧЖ

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нархи	Миқдори, тонна	Умумий суммаси
	Автобензин АИ-80	тн	7 961 481,50		
	Автобензин АИ-91	тн	12 470 610,00		
	Дизель ёнилгиси	тн	11 592 841,47	0.905	10 490 760
	Дизель ёнилгиси ЭКО	тн	11 616 058,00		
	Жами:				10 490 760

Итох: Дизель ёнилгисининг нархи Ўзбекистон Республикаси тоғар ҳам анё 17-01-20222 21-01-202 йил кунлардаги (буган хафтадаги) шакланган ўртача биржа котировка нархларида эзилади. Ушбу нарх 31.01.2022 йил кунисича амал қилади.

Автобензин маҳсулотига биржа электрон савдалари орқали сотиб алинган маҳсулот нархига нефт база устамаси қўлланилади.

Умумий жами: Ўн миллион тўрт юз тўқсон минг етти юз ситмиш сум.
Мазкур спецификация икки нусхата тузилди.

“ТАЪМИНОТЧИ”



А.Абдуганшев

Юридик бундим бошлиғи:

“БУЮРТМАЧИ”



Ж.Полванов

Н.Ахунташев